

# Вихор КІТОВЛАМИ

Birlashgan o'zar!

12-son (52)  
2022-yil, dekabr

Ilmiy-amaliy, adabiy, ma'naviy-ma'rifiy, ijtimoiy gazeta

Gazeta 2018-yil avgust oyidan chiqa boshlagan



Орзиқиб кутилган азиз меҳмондек,  
Ташриф буюрмоқда Янги йилимиз.  
Қалбимиз ёришиб нурли осмондек,  
Гўзал ҳис-туйғуга тўлар дилимиз.

Янги йил кутмоқлик тилаб эзгулик,  
Улуғ аҳд саналур ҳар хонадонда.  
Орзулар мазмуни – тинчлик, омонлик -  
Шодон чеҳраларда гул очар ханда.

Қиш - табиат оқликка бурканиш фасли, эртақнамо фасл. Бунда бутун дунёнинг энг кутилган байрами - янги йил байрамини нишонлаймиз. "Вухоро китоб олами" савдо мажмуаси жамоаси барчангизни янги 2023 йил билан пабриклайди!

Янги йилда каттаю кичик ҳамма орзуларингиз амалга ошсин. Хонадонингиз кут-барака, файзга тўла бўлсин. Дастурхонингиз тўкин, оилангиз тинч, яқинларингиз соғ-саломат яшашсин. Мақсадларингиз янада кўпайсину имкониятларингиз ундан-да? баланд бўлсин.

Дўстларингиз, ота-онангиз ва яқин қариндошларингиз учун келаятган йилда ўзингизни асранг!

Фарзандларингиз ёрқин келажаги, фаровон ҳаётига масъуллигингизни ҳис этиб? Ватанимиз – Ўзбекистонни авайланг.

Янги йилда энг яхши кунлар, ширин лаҳзалар ҳамроҳингиз бўлсин. Сизга соғлом ҳаёт, кувноқ кайфият, омад, бахт ва саодат тилаб,

"Вухоро китоб олами" савдо мажмуаси жамоаси



## КАТТАЛАР УНУТМАНГ, Янги йил болалар байрами!

Тарихий маълумотларга кўра, тахминан 17 аср охирига қадар бутун дунёда Янги йил байрами март ойининг бошида, баҳорги экин-текинлар мавсуми билан бир вақтда нишонланган.

Эрамиздан аввалги 46 йилда Юлий Цезарнинг янги йилни 1 январдан бошлаш ҳақидаги қарори ҳақида маълумотлар ҳам бор, лекин ўша вақтда бу кенг тарқалган удумга айланмаган.

Россияда янги йилни кенг нишонлаш одати Пётр I даврида пайдо бўлган. Бир неча йил Европада яшаб, уларнинг турмуш тарзини ўрганган рус императори 1699 йилнинг 29, 30 декабрида 2та фармон чиқаради.

Уларнинг бирида Россияда йил ҳисоблашни янгича тақвимга кўра, амалга оширишни назарда тутган эди. Шунга қадар Россияда йиллар Византия тақвимида кўра (дунё пайдо бўлган кундан бошлаб) ҳисобланган. Шундай қилиб эски тақвимдаги 7208 йил янги тақвимга мувофиқ 1700 йилга айланади.

Иккинчи фармонда Европа давлатларида бўлгани каби, Янги йил шарафига Москва шаҳар кўчалари ва йирик биноларни арча

шоҳлари билан безатиш, байрам оқшомида олов ёқиб, мушакбозлик қилиш айтиб ўтилган.

Пётр I давридан сўнг янги йил байрамини нишонлаш, секин-аста унутила бошлади, десак ҳам бўлади. Байрам фақат айрим бадавлат хонадонларда ўтказилар эди. Кейинги император Елизавета I даврида, Янги йил оқшоми бир неча минг киши иштирокида балл-маскарадлар ўтказиш русум бўлади. Кейинроқ Екатерина II даврида эса, байрамда шампан виноси ичиш ва бир бирига совға улашиш одати пайдо бўлган экан.

(Давоми 2- бетда)





# КАТТАЛАР УНУТМАНГ, Янги йил болалар байрами!

(Давоми. Боши 1-бетда)

1852 йилда Санкт-Петербургдаги Екатеригоф вокзали майдонида Россиядаги биринчи янги йил арчаси ўрнатилди.

Октябрь революциясидан кейин 1918 йилда большевиклар Янги йил байрамини "революция голярига зид, ғарб буржуазиясининг илллати" дея тамға босиб, уни байрам қилишни таъқиқлаб қўйишади. Унинг ўрнига, улар 7 октябрда "Қизил бўрон" байрамини жорий этишади. Лекин бу байрам одамларга маъқул

келмайди, улар янги йилни барибир яширинча байрам қилишда давом этишади.

Шундан сўнг, 1935 йил 28 декабрь куни партия вакили бўлган Павел Постышев исмли киши "Труд" газетасида "Келинг, болалар учун янги йилда яхши арча байрам уюштирамиз", деган мақоласи чиқади. Унда муаллиф "Арча байрами"га сиёсий ёки диний баҳо беришга, нотўғри талқин қилишга қарши чиқади ва мисол тариқасида революциядан олдин бой бадавлат кишилар ва амалдорлар

болалар учун арча байрамлар уюштирганини эсга олади. Нима учун совет болалари бундай бахтдан маҳрум бўлиши керак деган саволни қўяди.

Бир кун ўтиб "Правда"да ВЛКСМ бош котиби Косаревнинг барча мактаб ва болалар клубларида 1 январь куни янги йилни нишонлаш ҳақидаги фармони эълон қилинади. 1936 йилнинг 1 январиди давлат раҳбари Иосиф Сталиннинг биринчи янги йил табриги эълон қилинади.

Йиллар ўтиши билан Янги йил байрамида Қор бобо ва Қор

қиз образлари пайдо бўлади. Совет даврининг кейинги йилларида "оливье" салати ҳамда мандарин ҳам янги йил куни истеъмол қилинадиган одатий таомларга айланади.

Совет иттифоқида 15та республика, юзлаб миллат вакиллари истиқомат қилган. Янги йил эса - 55 йилдан ортиқ вақт давомида, бир ҳудудда яшаётган барча миллат ва дин вакиллари биллаштирувчи, энг катта ва универсал байрам бўлган.

Янги йилни, айниқса, болалар орзиқиб кутишган. Чунки байрам

арафасида ҳар бир мактабда арча байрамлари ўтказилган, Қорбобо совғалар улашган. Ундан сўнг эса 10-12 кунлик таътил берилган. 31 декабрь куни эса ҳар бир хонадонда байрам тантанали кутиб олинган. Ҳатто, уруш ва йўқчилик даврларида ҳам қоғоздан арча ўйинчоқлари, бир дона ёнғоқдан совға ясаб, одамлар болаларни хурсанд қилишга ҳаракат қилишган.

Мазали таомлар, совғалар, таътил – биринчи навбатда Янги йил бу болажонлар байрами. Катталар буни унутманг!

## 2023 йил, қуён йилида кимларни

### Омад кутяпти?



Хитой тақвимида 12 та бурж белгисини билдирувчи ҳайвон бор. Нега айнан 12 та? Гап шундаки, қадимги даврларда хитойликлар Юпитер сайёраси яхшилик ва фазилат олиб келади, 12 йил ичида Қуёш атрофида айланади, деб ишонилган. Шунинг учун Юпитернинг ҳар бир айлиниши янги циклни англатади.

2023 йил Хитой тақвимида кўра, Қора сув Қуёни ёки мушук йили

бўлади. Йил 2023 йилнинг 22 январидан бошланади ва 2024 йилнинг 9 февралига қадар давом этади. Келаятган йил қандай бўлишни ваъда бермоқда.

Қуён – майин жониворлар. Шунинг учун 2023 йил хотиржамлик олиб келишга ваъда бермоқда. Бундан ташқари, қуён ўз болаларига ғамхўр, шунинг учун ҳам астрологлар 2023 йилни турмуш қуриш учун баракали йил бўлади, дейишмоқда. Жуфтликлар бу йилда кўпроқ ғамхўр бўлиш кераклигини ёдда тутишлари лозим.

Шунингдек, Қуён йили дўстлар топиш учун яхши фурсат. Умуман қуённинг ўзи дўстлашишни яхши кўради. Сув рамзи эса ҳаракат ва ривожланишни билдиради.

#### Йўлбарс



#### Қуён

Йил эгасига, албатта, ўз йилида омад кулиб боқиши керак. Шунинг учун 2023 йилда Қуёнларни ҳар жабҳада - ишда ҳам, оилада ҳам хотиржамлик кутмоқда. Айниқса, ёлғиз Қуён мучалида туғилганлар – янги йилнинг бошидан ўз муҳаббатларини учратилари мумкин.

#### Ит

2023 йилда ушбу мучал эгалари турмуш қуриши учун яхши имконият бўлади. Оила ҳам бахтли, ўзаро ҳурмат, муҳаббат ва хотиржамликка асосланган бўлади. 2022 йилда Ит тинмай меҳнат қилади, шунинг учун 2023 йил меҳнат мевасини териб олиш, шунингдек ўз устида кўпроқ шугулланиш вақти. Ишда ҳам уларни муваффақиятлар кутяпти.

#### Тўнғиз

Ушбу мучал йилида туғилганлар учун 2023 йил бурилишлар йили бўлади - карьерда узоқ кутилган омад, шахсий ҳаётда эса хотиржамлик ва бахт ваъда қилинмоқда. Оилаларни тинч ва осуда ҳаёт, жуфттини топмаганлар учун эса янги танишлар учун яхши йил бўлиши кутилмоқда.



#### Қўй

Сўнги вақтларда ушбу мучалда туғилганларга омад кулиб боқмаётган эди. Аммо 2023 йилга келиб барча ишлар ўз изига тушади. Ишда марраларга эришиш учун яхши ҳамкор топиш имкони пайдо бўлади. Шахсий фронтда ҳаммаси яхши: муносабатда бўлган ёки оилалар кўп вақтини ўз жуфтлари билан ўтказишади. Ёлғизлар эса баҳор фаслида муҳаббатларини учратади.



#### Хўкиз

Қора сув Қуёни Хўкиз йилида туғилганларга ўз янги ишини бошлашга ва муҳим лойиҳага раҳбарлик қилишни кўрсатмоқда. Натижада эса - даромад ошади, агарда Хўкиз дангасалик қилмаса. Ёлғиз бурж вакилларида муҳаббат борасида омади кулиб боқади - йил давомида улар қизиқарли танишлар орттиришлари мумкин.



## НЕГА БОЛАЛАРГА КИТОБ ЎҚИБ БЕРИШ КЕРАК?

Ўтган асрда АҚШда жуда катта илмий тадқиқот ўтказилган. Уша тадқиқот натижаси шуни кўрсатдики, боланинг ақлий ва ментал ривожланиши учун унга кичиклигида яқинлари китоб ўқиш бериши керак экан. Боланинг ривожланишида айнан шу тажрибанинг фойдаси ва самараси энг юқори экан. Бугунга қадар боланинг ривожланиши учун фойда келтирадиган самарали воситалар жуда кўп яратилган: меҳр бериш, бирга расм чизиш, ўйнаш, кулиш, саёат қилиш, ҳар хил тўғаракларга бориш, спорт ва ҳоказолар. Лекин улар орасида энг юқори қайтимга эга бўлгани болага китоб ўқиш бериш экан.

Тасаввур қилинг, пулингиз ҳам кетмайди, бирор жойга боришингиз ҳам керак эмас, бировга ялиниш ҳам шарт эмас. Сиз атиги ярим сериал кўрмаслик, Фасебоокда 4 та постни ўқиш лике босмаслик, Тик-ток ёки Инстаграмда 3 та видео кўрмасликни эвазига 20 дақиқа вақтингизни болажонингиз ривожланиши учун илмий исботланган энг самарали восита учун сарфлаган бўласиз.

Болаларга китоб ўқиш беринг. Ўқишни билган болаларга ҳам китоб ўқиш беринг. Бирга китоб ўқиш учун:

1. Бола учун китоб танлаш имконини беринг;
2. Бола ўзи сизга ёки укасига китоб

ўқиш беришни (айтиб беришни) истаса, уни эшитиб қўллашга, бирга мазза қилишга ўрганинг.

3. Боланинг билан китоб ўқиш учун ёқимли шароит яратиб қўйинг. Масалан, кучоқлашиб ўтириш, иссиқ кўрпани ичига китоб олиб уйқудан олдин ўқиш, иссиқ какао ичиб, вафли еб китоб ўқиш ва ҳоказолар.

4. Ўқиш жараёнини ёқимли қилинг. Бу нафақат боланинг балки бугунги стрессни енгиш учун ўзингизга ҳам фойдали.

5. Китобни қизиқарли тарзда, турли хил овозларни ишлатган ҳолда ўқинг. Ҳар куни, атиги 20 дақиқа!



"Китобларни чиройли қилиб териб қўйсагу, уларни ўқимасак, улар шунчаки безак бўлиб қолади. Бу маънавий исрофгарчилик бўлади..."

Аҳмаджон Мелибоев





# ҲОЗИРГИ ЁШЛАРНИ

Ҳаётимизнинг қулайликлари тобора замонавийлашиб бориши, албатта, барчамиз учун яхши. Лекин, айна дамда замон билан ҳамнафас бўлган ёшларни китоб мутолаа қилмаслиги ҳаммамизга маълум. Саводхонсизлигимизга нима шундай ҳолатга келтирдик, китоб ўқиш учун эриниш ёки умумий қилиб олганда қизиқиш ҳам йўқ. Бундай ҳолат барчамизни узоқ ўйлантириб қўяди, чунки, биз ҳаётимизнинг замонавийлашиб бораётган шаклига ўрганиб қолганмиз.

# МУТОЛАА

## ҚИЗИҚТИРМАЙ...ДИМИ?!

Бизга маълумот ёки шунга ўхшаш материаллар керакли бўлган пайтда, биз уни интернетдан қидириб, шу маълумотларга ишониб қоламиз. Бу билан интернетдаги маълумотлар асоссиз, дейиш ниятим йўқ, аммо, ундан китоб мутолаа қилиш завқироқ.

Маълумки, ҳозирги кунларда бадиий асарлар асосида кўплаб фильм ва сериаллар омма учун тақдим этилиб борапти. Ха, айнан бу ҳаммага ёқяпти, лекин очиғини айтганда ўша биз кўраётган фильм ва сериаллар китобнинг қисқартирилган шакли ҳисобланади. Китоб ва фильм билан фарқлаганимизда, унинг фарқи ер ва осмончаликдир.

Янги чиқаётган трендлар сингари китоблар ҳам севилганда эди, жамиятда саводсизликлар юзага келмас эди.

Биздан ёши катта бўлган инсонлар биз учун жон куйдириб, китоб ўқи, дея доим насиҳат беришади. Шундай ҳолатга келдикки, ҳаттоки китобни очиб ҳам қарамаймиз.


Хўш, китоб ўқиш ҳаётимизда қандай рол ўйнайди ва нима учун бизга керак?

- Ўқиш янги ва ноёб фикрлар туғилишига ёрдам беради;
- Ўқиш инсон фикрини жамлайди ва диққат марказини оширади;
- Биргаликда китоб ўқиш ота-оналар ва болаларнинг ўзаро муносабатларини яхши-



- лайди. Инсон ўз фарзандини китоб мутолаасига ўргатар экан, аввало ўзи ҳам бу ишда ўрнак бўлиши керак;
- Ўқиш бизнинг сўз бойлигимизни оширишга хизмат қилади;
- Ўқиш стрессни камайтиради;
- Ўқиш тил маҳоратимизни янада оширади;
- Ўқиш мия фаолиятини такомиллаштиради;
- Ўқиш бизни зукколикка

- етақлайди;
- Ўқиш тасаввурни оширади;
- Ўқиш чет тилини ўрганишни осонлаштиради;
- Хотиржам бўлиш ва ухлашга ёрдам берадиган энг яхши усул китоб ўқишдир. Телевизор ёки телефондан тарқалаётган ёрқин нур мияга уйғониш кераклиги ҳақида сигнал юборади. Китоб ўқиш эса, аксинча, таъсир кўрсатади: мия ухлаш вақти бўлганлигини тушунади.



Китоб ўқиш жараёнида ўқувчи қахрамонлар билан бирга бўлади. Уларнинг қувонч ва ташвишларига шерик бўлади. Тадқиқотлардан маълум бўлишича, бадиий асар ўқиган одам ҳаётда ҳам бошқаларнинг ҳис-туйғуларини яхши тушунар экан.

Ўзида мана шундай кўплаб хислатларини жамлаган, бирга қилиб айтганимизда "Мутолаа" деб айтамыз. Айнан шу мутолаа ҳеч кимни ёмонлик томон чорламайди, аксинча, ички гўзалликни янада гўзаллаштириб, инсонни эса ёруғликка чорлайди.

Интернетдан фойдаланиш кўплаб ўқувчиларни изланишдан тўхтатиб қўйган, чунки олдинги пайтларга назар соландиган бўлсак, биз китоблардан изланиб, маълумотлар олар эдик.

Бизда шундай савол туғилади: Интернет ёки Мутолаа муҳимми?

Бу савол билан кўпчиликка мурожаат қиладиган бўлсак, интернетни мутолаадан устун кўришлари кўпроқ фоизни ташкил этади.

Мутолаага оилада қизиқиш бўлмаса қилинаётган саъй-ҳаракатлар бефойдадек гўё. Мутолаа - нафақат биз, балки ёши улғулар учун ҳамдир. Бежизга халқимиз: "Бешиқдан то қабргача илм изла" деб айтмаган.

Айрим тенгдошларимизни эшитадиган бўлсак, "Китоб ўқиб, олим бўлармидинг?" дейишади.

Ҳа, тўғри олим бўлмасмиз, аммо, мутолаа ҳаммасидан муҳим. Чунки, мутолаа саводхонликни яна оширади ва етук инсон бўлиб улғайишимизга ўз ҳиссасини қўшади.

**Муҳаммад Абдуллах,  
Тошкент шаҳри,  
Шайхонтоҳур туманидаги  
102-ИДУМ нинг 8 - синф  
ўқувчиси.**

## КИМ ЮТАДИ, КИМ ЮТҚИЗАДИ?

Бугун ёзувчи-шоир ким? У чин адабиётга ҳисса қўшиши учун нималар ёзиши керак? "Вукһага сити" ҳақида дoston ёзса, адабиёт хазинасига ҳисса қўшадими ё пароканда бўлаётган давлат тилимиз ҳақида куйинчак шеър ёзсами?

Президент номига мадҳия битсами ё кишлоқларда киш бўйи печка ёқиб, усти-бошидан тутун ҳиди келиб турадиган хокисор оналаримизнинг кўзларидаги ҳасратини куйласами? "Беш ташаббус" ҳақида қисса ёзсами ёки уйи бузилиб, чайлада яшаган юртдошларимизнинг аламлари борасида роман битсами?

Фикримча, ҳаммаси ҳақида ҳам ёзилиши керак. Бировга уни ёзинг, буни ёзманг, деб ақл ўргатиш одобдан эмас. Фақат бу асарлар самимий бўлсин, юракдан ёзилсин! Аммо бу битиклар самимиятдан йироқ, таъма илинжида битилган бўлса, шавқатсиз вақт ҳаммасини узоқ-узоқларга супириб кетади. Масалан, тарихда Ленин ҳақида кўплаб асарлар ёзилган. Самимиятдан узоқ бўлгани учун уларнинг кўпини бугун макулатура ҳузурини кўраяпти.

Лекин, Ленин тасвирланган Чингиз Айтматовнинг "Биринчи муаллим" қиссаси нега ўлмади? Ҳанузгача ўқияпти? Бугундан кейин ҳам ўқилади. Чунки у самимият билан асрларга татигулик қилиб ёзилган эди.

Барибир, бугунги ўзбек адабиёти янгилиниши керак. Ёшариши керак. Янги давр руҳини, дардини акс эттирган асарлар битилиши керак. Юртдаги янгилинишлар билан бирга, тараққиётга тўсиқ бўлаётган ғовлар, ҳалқумини халқ ҳисобидан тўлдириб ва тўйдириб олаётган муттаҳамлар ҳақида ҳам ёзилиши керак. Энг муҳими, инсонларнинг қувончу ҳасрати, ташвишу дардлари, руҳиятидаги ўзгаришлар ёзувчининг бош мавзуси бўлмоғи лозим.

Фозил Фарҳод

**ФРАНЦУЗ  
ФАЙЛАСУФИ  
ВА ЁЗУВЧИСИ  
ДЕНИ ДИДРО  
"ОДАМЛАР  
КИТОБ ЎҚИШДАН  
ТЎХТАСАЛАР,  
ФИКРЛАШДАН  
ҲАМ  
ТЎХТАЙДИЛАР",  
ДЕЯ ЁЗИБ  
ҚОЛДИРГАН.**



## ЯНГИ КИТОБ ТАҚДИМОТИ

Файласуфнинг айтганича бор. Киши китоб, газета, журнал ўқиш орқали ақлини чархлайди, тафаккурини бойитади. Соғлом фикрлайди. Бухоро давлат университетида ўтказилган "Оқ гул" китоби тақдимотида ана шу фикр алоҳида таъкидланди. Ўз навбатида бир гуруҳ талабалар мазкур китоб мутолаасидан олган таассуротларини баён этиб, шоир шеърларидан ёд айтдилар. Маросим адабиёт, шеърят, замонавий журналистика, ўз соҳасининг етук

мутахассиси бўлиш каби мавзулардаги самимий мулоқотга айланди.

Айтиш жоизки, "Оқ гул" китобидан назмий битиклардан ташқари, муаллифнинг журналист сифатидаги ҳаётини кузатувлари маҳсули саналган ҳикоя ва мақолалари ҳам ўрин олган. Улар китобхонни ўйлашга, ҳаёт, умр мазмуни ҳақида мушоҳада юритишга ундайди.

**Васила БАБАЕВА,  
БухДУ катта ўқитувчиси.**



"Нимагаки эришган бўлсам, нимаки топган бўлсам,  
ҳаммасини китобдан деб биламан.."

Эркин Абзам







# Буюрилмаган муҳаббат

– Шоҳруҳ, юқори қаватдаги столларга ҳам қара, уларга ҳали ҳам мева қўйилмаган, -деди назоратчи.

– Хўп, ҳозир. Иигитали, юр-чи, менга меваларни ташишга ёрдам берасан, -деди Шоҳруҳ дўстига қараб. –Бошқа официантларни ҳам чақир.

Иигитали бошқа официантларни ҳам ёрдамга чақирди. Узоқдан назоратчи “ёқимли” овоз билан бақирди:

– Тезроқ бўлларинг, ҳали замон меҳмонлар келишади, биз эса ҳали ҳам столларнинг устини тўлдирганимиз йўқ, -деди назоратчи. Сўнг қўли билан столларни санаб чиқётган бошқа бир официантга қараб бақирди: –Ҳой Элёр, мана бу ортиқча столни оморга тушириб қўй, деб учинчи марта айтяпман. Нега ҳали ҳам туширмадинг?

– Ҳозир тушираман, -деди Элёр.

– Тез бўл, кеч бўляпти...-деди назоратчи.

...Ҳа! Бу ҳикоямизнинг асосий қаҳрамони официант Шоҳруҳ эди. Унинг ёши йигирма учда бўлиб, деярли, тўрт йилдан бери официант бўлиб ишлайди. Бу ишга пул топиш учун мажбурликдан ишлаётган бўлса-да, бу иши ўзига ёқарди. Шоҳруҳнинг ота-онаси аллақачон вафот этган. У отасидан мерос қолган ҳовлида ёлғиз ўзи яшарди. Ишдан уйга кеч қайтар ва эрталаб сахардан яна ишга кетарди. Икки йил олдин мактабни битириб, Олий ўқув юртига кирмоқчи бўлди. Аммо имтиҳондан йиқилди. Шундан сўнг қайта умид қилмай, шу официантлик ишини давом эттирарди.

– Лайлодан хабар борми? -деб сўради Иигитали Шоҳруҳдан.

– Йўқ, -деди Шоҳруҳ маънос оҳангда. –Икки йилдан бери хабар юбормади. Билмадим ҳозир аҳволи қандай экан?

– Хавотир олма, -деди Иигитали. – Оз қолди. Ўқишларини битириб олсин, албатта, келади.

– Мен ҳам мана шу умид билан кунларни ўтказяпман, -деди Шоҳруҳ ва қўлидаги мева

солинган вазани стол устига қўйди.

Лайло Шоҳруҳнинг севган қизи. Уларнинг ёши, деярли, тенг ва энг қизиғи шундаки, улар биринчи марта айнан мана шу ресторанда учрашиб қолгандилар. Шоҳруҳ уни бир кўришдаёқ севиб қолганди. Лайло эса унга официант бўлганлиги учун, деярли, эътибор бермаган эди. Бора-бора Шоҳруҳ унинг қалбини эгаллаб олди.

Бир йилдан сўнг... Лайло чет элга ўқишга кетадиган бўлди. Лекин бунга Шоҳруҳ рози бўлмади.

– У ерда сени ҳеч ким ҳимоя қилмайди. Бирон-таси сенга шилқимлик қилса-чи? -деди Шоҳруҳ Лайлонинг чет элга кетишига қаршилик қилиб.

– Агар кимдир шилқимлик қилса сизнинг уй манзилингизни бераман, -деди Лайло кулиб. – Хавотир олманг. Ўзимни ҳимоя

қила оламан. Менга ҳеч ким зарар етказа олмайди.

– Агар у ерда қийналиб қолсанг-чи? Пулинг тугаб қолса нима қиласан? -сўради Шоҳруҳ хавотирланиб.

– Қийналиб қолмайман. Дадам ҳисобимга етарлича пул жойлаб қўйганлар, -деди Лайло. Шоҳруҳ рози бўлишга мажбур бўлди. У Лайлонинг қўлларини ушлади.

“

Шоҳруҳ ортига ўгирилиб, оппоқ либос кийган келинга қаради. Мана, энди уни таниди. Ахир... Ахир бу... Лайло-ку... Шоҳруҳга бир умр бирга бўламиз, деб аҳти-паймон қилган ўша Лайло-ку!

”

– Мени унутиб юборма, -деди Шоҳруҳ. –Ҳар куни менга кўнғироқ қилиб тур.

– Хўп, -деди Лайло. Шундай қилиб Лайло чет элга

ўқишга кетди. Бир йил давомида Шоҳруҳ билан кўнғироқ қилиб гаплашиб юрди. Шундан кейин кўнғироқлар кундан-кунга камайиб бораверди. Кейинчалик Шоҳруҳга умуман кўнғироқ қилмай қўйди. Шоҳруҳ ундан хавотир ола бошлади. Унга қанча кўп кўнғироқ қилмасин, барибир, ҳеч жавоб бермасди. Шунда ҳам Шоҳруҳ умидини узмади. У Лайлога ишонарди.

Мана, икки йилдан бери Лайлодан хабар йўқ. Шоҳруҳ бир неча бор Лайлонинг уйига ҳам борди. Лайлонинг ота-онаси унга: “Лайло ҳали ҳам чет элда. Ўқишлари билан банд бўлиб, бизга ҳам кўнғироқ қилолмаяпти”, -деб жавоб беришарди.

\*\*\*

Меҳмонлар аллақачон кела бошлашди. Рестораннинг, деярли, ярми тўлиб бўлди. Шоҳруҳ бошқа официантлар каби меҳмонларга хизмат кўрсатарди. Яна бир неча дақиқалардан сўнг ресторан меҳмонларга “лик” тўлди.

Ҳали келин-куёв келгани йўқ. Муסיқа қўйилган. Меҳмонлар ноз-неъматлардан татиб кўриб, бир-бирлари билан суҳбатлашиб ўтиришарди. Уч нафар официант келин томондаги, яна уч нафари куёв томондаги меҳмонларга хизмат кўрсатишарди. Қолган официантлар эса ташиш ишлари билан машғул эди.

Кўп ўтмай, келин билан куёв етиб келишди. Шоҳруҳ келин-куёвга қараб завқланиб кетди. “Бир кун келиб Лайло билан иккимизнинг ҳам худди шундай дабдабали тўйимиз бўлади...”, - орзу қилди Шоҳруҳ. Негадир келин унга танишдек кўринди. Лекин юзидаги ёпинчиқ ва ўртадаги масофанинг узоқлиги туфайли яхши қарай олмади. Сўнг яна ишида давом этди. Сухандон

микрофонни қўлига олиб, гапира бошлади:

– Ҳурматли меҳмонлар, қадрли қадами кутлуғ инсонлар, мана бугун Миршоджон ва Лайлохонларнинг никоҳ кунини кўришиб турибмиз...

Шоҳруҳ турган жойида қотиб қолди. Сухандон нима деди? Лайло дедими? Бўлиши мумкин эмас! Йўқ, бу балки бошқа Лайлодир. Шоҳруҳ ортига ўгирилиб, оппоқ либос кийган келинга қаради. Мана, энди уни таниди. Ахир... Ахир бу... Лайло-ку... Шоҳруҳга бир умр бирга бўламиз, деб аҳти-паймон қилган ўша Лайло-ку!

Шоҳруҳ бутунлай ўзини йўқотиб қўйди. Бу воқеа унга кутилмаган зарба бўлди. Унинг қалби чил парчин бўлди. “Нега? Нега ахир?” -деб сўради ичида Шоҳруҳ Лайлога чексиз нафрат билан қараб. У нега бундай бўлганини, Лайло нега унга хиёнат қилганини тушунмади. Лайло ҳали ҳам Шоҳруҳни кўргани йўқ. Бу ердаги официантлардан бири Шоҳруҳ эканини у, ҳатто, хаёлига ҳам келтирмаган бўлса керак. Балки Шоҳруҳни аллақачон унутиб юборгандир.

Шоҳруҳ ишчилар хонасига кириб, кийимини алмаштирди. Сўнг қўлига патнис олиб, юқорига, меҳмонлар турган залга борди. Патнис билан юзини тўсганча, Лайлога яқинлашди (бу пайтда куёв даврада дўстлари билан рақса тушарди) ва унинг қулоғига келиб шивирлади:

– Тўйинг муборак бўлсин!

Лайло бирданига қаттиқ сесканиб кетди. У бир неча йилдан сўнг айнан тўй кунини мана шу таниш овозни эшитиб кўрқиб кетди. У ён-атрофига қаради. Аммо излаган одамни топмади. Сўнг ресторанга кирадиган эшик олдида Шоҳруҳни кўриб қолди. Шоҳруҳ кўзидан ёш оққанча, унга нафрат билан қараб турарди...

Амирбек Чориев,  
Жондор тумани.



**МУАССИС:**  
“Buxoro kitob olami” МЧЖ

**ТАҲРИР ҲАЙЪАТИ**  
Эъзоз БОБОМУРОДОВ  
Жамол НОСИРОВ  
Гулнора САМИЕВА  
Ақбар РУСТАМОВ

**БОШ МУҲАРРИР:**  
Вали БОБОМУРОДОВ

**МАСЪУЛ МУҲАРРИР:**  
Лайло ҲАЙИТОВА

**BUXORO KITOB OLAMI**

“Buxoro kitob olami” ҲИСОБ-РАҚАМИ:  
Х/П: 20208000700584952001. “Халқ банки”  
Бухоро филиали. МФО: 00116.  
СТИР: 303764542. ОКОНХ: 47780

**Таҳририят манзили:** Бухоро шаҳри,  
Навоий шоҳ кўчаси, 5-уй.  
Телефон: 0(365) 223-51-95  
**E-mail:** buxorokitobolami@inbox.uz

**Навбатчи:** Ҳаёт АБДУЛЛАЕВ

**Саҳифаловчи:** Хуршид АБДУЛЛАЕВ

Газета Бухоро вилоят Матбуот ва ахборот бошқармаси томонидан 2018 йил 6 августда №05-085 тартиб рақами билан рўйхатга олинган. Таҳририятга келган материаллар муаллифга қайтарилмайди.

Газета “Buxoro bosmaxonasi” МЧЖда 700 нусхада босилди.

**Босмахона манзили:**  
Бухоро шаҳри, И.  
Мўминов кўчаси, 27-уй  
Тел: (0365)223-25-38